www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 28-aprel № 53 (2934) payshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида

Кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда «Меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этишда касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» ҳамда «Касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида»ги масалалар муҳокама этилди.

Мажлисда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамда қатор давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

— Маълумки, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, унинг дунёқарашини шакллантириш, саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги мажлисда меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдиришни ташкил этиш борасидаги ишларимизни такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги фаолиятни танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш масаласи муҳокама қилинаётганлигини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин.

Бу соҳадаги ишларимиз истиқболи ҳамда асосий йўналишларини белгилаб олиш билан бир қаторда, аввалги йилларда бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида фикрлашиб олишимиз, улардан тўғри хулоса чиқаришимиз ҳар томонлама фойдали бўлар эди.

Фарзандлар соғлиғи – келажак пойдевори

Федерация кенгаши раиси мажлис иштирокчилари диққатини соғломлаштириш оромгоҳларида мавжуд айрим ўткир муаммоларга қаратди.

Жумладан, ўтган йили ёзги мавсумда 966 та, шу жумладан, 226 та шаҳардан ташқари ва 740 та кундузги болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият юритган бўлиб, улардаги бинолар 30-40 йил илгари, ўша давр анъаналари асосида, уҳдан бир қисми эса умумхалқ ҳашари йўли билан қурилган.

Болалар оромгоҳларининг 60 фоизида моддий-техник база замонавий талабларга жавоб бермайди, 35 фоизида овқатлар ўтин ёқиб ўчоқда пиширилади. 10 фоиз оромгоҳ чўмилиш ҳавзаларига эга эмас. Уларнинг фақат ярми компьютер техника воситалари билан таъминланган. 20 та оромгоҳ алоқанинг замонавий ахборот воситалари — интернетга уланган, холос.

Шунга қарамай, бирорта ҳам келишувда болалар оромгоҳларини янада ривожлантириш, уларни молиялаштириш, ўринларни кенгайтириш, дам олдириш қувватини ошириш, қуриш, қайта тиклаш ёки қайта қуриш масалалари кўзда тутилмаган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги идоралари қарамоғидаги болалар оромгоҳларида аҳвол ғоят мураккаблигича қолмоқда. Афсуски, қишлоқ хўжалиги ходимларининг фарзандлари учун барпо этилган оромгоҳларнинг аксарияти бугунги кунга келиб эгасиз, қаровсиз бўлиб қолган. Шуни таъкидлаш керакки, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Марказий кенгаши бу ишдан тамомила ўзини четга олмоқда.

Шунингдек, болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш мақсадларига ажратилган молиявий маблағлардан фойдаланишда мавжуд бўлган камчиликларга барҳам бериш қийинчилик билан кечмоқда.

Ўтган йилги таҳлиллар айрим вилоятларда болаларни овқатлантириш учун белгиланган меъёрлар бузилганлигини, овқатлантириш учун Бухоро вилоятида — 77, Наманган вилоятида — 50,6, Самарқанд вилоятида — 60,9, Тошкент вилоятида — 68, Фарғона вилоятида — 108 миллион сўм маблағ кам ажратилганлигини кўрсатди.

Болаларни соғломлаштиришга маблағларнинг вақтида келиб тушиши билан боғлиқ мураккаб вазият ҳисобга олиниб, оромгоҳларга маҳсулотларни олдиндан ҳақ тўланмасдан етказиб берилишига эришилди.

Касаба уюшмаларининг бир нечта ҳудудий бирлашмалари томонидан болаларни соғломлаштиришга ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан маблағ ажратиш режаси бажарилмади.

Режанинг бажарилиши Тошкент шаҳри бўйича 79,9 фоизни, Тошкент вилояти бўйича 70,2 фоизни, Навоий вилояти бўйича 77,6 фоизни ташкил этди.

Айрим оромгоҳларда болалар ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах вилоятларидаги қатор оромгоҳларнинг ҳудудлари тўла ўралмаган. Баъзи оромгоҳларда болаларни очиқ сув ҳавзаларида чўмилтириш давом этяпти.

Оромгоҳларга олиб борувчи йўллар қониқарсиз аҳволда. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишлари етарли амалга оширилмаган. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидаги оромгоҳларда электр токи ва газ таъминотида тез-тез узилишлар бўлиб туради. Ичимлик суви етишмайди.

Оромгоҳлар учун сифат сертификатларига эга бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Оромгоҳларни педагогик, тиббиёт ходимлари билан тўлиқ таъминламаслик, ходимларнинг ўз мансаб вазифаларини бажармаслик ҳоллари кузатилмоқда. Бир қатор оромгоҳларга етарли билим ва малакага эга бўлмаган тиббиёт ва педагогик ходимлар ишга олинган бўлса, баъзи оромгоҳларда ходимлар мутахассислиги мансаб вазифаси талабларига жавоб бермади.

Мавжуд болаларни соғломлаштириш оромгоҳларининг стационар базасидан тўлиқ ва оқилона фойдаланилмаган. Ўтган йили фақат Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари, Навоий конметаллургия комбинати, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тасарруфидаги оромгоҳларгина 3-4 сменада ишлади.

Бошқа оромгоҳларда болаларни 1-2 навбатда дам олдириш билан чекланилди, холос.

Болалар билан олиб борилган тарбиявий ишлар борасида ҳам камчиликларга йўл қўйилган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг бошқармалари, рассомлар, ёзувчиларнинг ижодиёт бирлашмалари, илмий-маърифий ташкилотлар, оромгоҳларда болаларга қўшимча хизматлар кўрсатиш бўйича талабларни тўла ҳажмда бажармадилар. Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Хоразм вилоятларида улар қабул қилган дастурлар қоғозда қолиб кетди.

Бу каби камчилик ва муаммоларни яна давом эттириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, соғломлаштириш оромгоҳларининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун кўплаб ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги талаб қилинади.

Шу боис, мазкур ҳамкорликнинг томонлари бўлган ташкилотлар, идоралар, вазирликлар, қолаверса, касаба уюшмалари олдида турган вазифаларни ҳозирданоқ аниқлаштириб олиш муҳим аҳамиятга касб этади.

Яқинлашиб келаётган ёзги соғломлаштириш мавсумида оромгоҳларга 250 минг нафар болаларни қамраб олиш мўлжалланмоқда. Улардан 120 минг нафари хўжалик органлари, ижтимоий суғурта, касаба уюшмаларининг маблағлари, 130 минг нафари ҳокимликлар, ҳомийлар маблағлари ҳисобига соғломлаштирилади.

Шу йилнинг 1 апрел ҳолатигача бўлган маълумотга кўра, 816 та болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Улардан 221 тасини шаҳардан ташқарида жойлашган стационар оромгоҳлар, 596 тасини кундузги оромгоҳлар ташкил этади.

Шундай экан, мазкур йўналишдаги фаолиятда қуйидаги масалаларга эътиборни кучайтириш болаларни соғломлаштириш мавсумини намунали ўтказиш имконини беради.

Биринчидан, оромгоҳларнинг моддий-техник базасини шакллантириш билан боғлиқ барча ишларни болалар оромгоҳга келмасидан олдин охирига етказиш зарур. Бу борада хўжалик ташкилоти, касаба уюшма қўмитаси ўз олдидаги масъулиятларини чуқур ҳис қилиши лозим.

Жамоа келишувлари ва шартномаларини тузиш жараёнида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш керак. Болалар ва меҳнаткашларни дам олдириш ҳамда соғломлаштириш базасини шакллантириш масаласи билан, аввало, тармоқ касаба уюшмаларининг Марказий кенгашлари бевосита ва амалий жиҳатдан шуғулланмоғи даркор. Ҳар бир вазирлик даражасида меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштиришнинг 2012-2015 йилларга мўлжалланган аниқ дастурлари ишлаб чиқилмоғи зарур.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ўтган йилдан бошлаб бир қатор вазирликларга Жиззах, Андижон, Қашқадарё вилоятларида янги замонавий болалар оромгоҳлари қуриш топширилган эди. Бу вазифаларни амалга оширишда Марказий кенгашларнинг ҳам фаоллиги талаб этилади.

Иккинчидан, республика касаба уюшмалари болаларни соғломлаштириш ишини такомиллаштириш масаласига эътиборни кучайтириши, ажратилаётган маблағлардан янада оқилона ва самарали фойдаланишга эришиши лозим.

Учинчидан, ўтган йили болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисидаги мавжуд Низомнинг амал қилиши Адлия вазирлигида тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилгунича тўхтатилиб қўйилган эди. Бугунги кунга келиб мазкур Низомга сезиларли ўзгартиришлар киритилиб, рўйхатдан ўтказилди.

Шунингдек, 2010 йил августда оромгоҳлар бўйича янги санитария меъёрлари ва қоидалари тасдиқланиб, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Бугун шаҳардан ташқари болалар соғломлаштириш оромгоҳлари учун алоҳида ва кундузги оромгоҳлар учун алоҳида 2 та шундай ҳужжат амал қилмоқда. Касаба уюшма ташкилотлари мазкур ҳужжатларни ҳар бир хўжалик раҳбари, касаба уюшмаси органи, ҳар бир оромгоҳ раҳбари эътиборига етказиши лозим.

Тўртинчидан, болалар билан ишлашни янада такомиллаштириш мақсадларини кўзлаб, халқ таълими идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда заковатли болалар, спорт, туристик, экологик, техника ижодиёти, ўлкашунослик, меҳнат ва дам олиш сингари йўналишли оромгоҳларда тарбиявий ишларни йўлга қўйиш имкониятларини кўриб чиқиш лозим.

Бугун даврнинг ўзи болаларни дам олдиришни ташкил этишнинг бошқа шаклларини излашга мажбур қилмоқда.

Бу йил ҳар бир вилоятда 15-17 ёшли болалар учун меҳнат ва дам олиш оромгоҳларини очиш режалаштирилган. Бундай оромгоҳларни ташкил этиш чоғида болалар ва ўсмирлар меҳнатини муҳофаза қилиш ва унинг хавфсизлигини таъминлашга доир талабларга, болалар учун рухсат этилган иш турларига қатъий риоя қилинишига, оқилона иш ҳақи тўланишига эришиш лозим.

Бешинчидан, мактаб, лицей, коллежлар қошида фаолият юритадиган кундузги оромгоҳлар ишини ташкил этиш сифатини кескин яхшилаш лозим.

Бу йил кундузги оромгоҳлар дислокациясини, яъни улар фаолият кўрсатадиган масканларни тасдиқлаб олишга келишилди. Бунинг учун касаба уюшмаларининг ҳудудий бирлашмалари кичик ёшдаги болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш ташкил этиладиган энг яхши биноларни танлаб олиб, уларни шунга мос ҳолга келтиришга эришди.

Навбатдаги вазифа кундузги оромгоҳларда болаларни дам олдириш тўлақонли мазмун касб этишини таъминлашдан иборат. Бу жараён ўқув йилининг шунчаки давомига айланиб қолмаслиги лозим.

Бу йил болалар билан тарбиявий ишнинг асосий ўзагини Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ташкил этмоғи керак. Ўтган даврда давлатимиз эришган ютуқларни турли шакл ва усуллар орқали болалар онгига сингдирмоқ даркор.

Олтинчидан, Оролбўйи минтақаси болаларини соғломлаштиришни кенгайтириш чораларини кўриш лозим.

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасидан 2500 нафар ва Хоразм вилоятидан 1500 нафар болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда)

Раёсат йиғилиши

Бажараётган ишидан қониқиш ҳосил қилган одам бахтиёрдир. Аммо шуни унутмаслик лозимки, қониқиш ҳиссига ортиқ даражада берилувчанлик ҳам кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин. Айнан шунга кўра инсон ўзини ўзи идора қилишга, озни оз, кўпни кўп ўрнида холис баҳолаб, бундан буёнги қадамларини давр руҳига монанд-мос равишда ўйлаб ташлашга ҳаракат қилади. Зеро, тийран тафаккур янгидан-янги зафарларга илҳом бахш этади.

Фаолиятга янгича ёндашув

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг кеча бўлиб ўтган Раёсат йиғилишида ана шу руҳ сезилиб турди. Гарчанд кун тартибига қўйилган бири-биридан долзарб масалалар танқид ва ўз-ўзини танқиддан холи бўлмаса-да, энг муҳими, ўртага ташлаган муаммолар ечимини тезлаштирадиган муқобил фикр-мулоҳазалар билан уйғунлашиб кетганлиги кўзга ташланди.

Раёсат йиғилишида дастлаб 2010 йил якунлари бўйича ижтимоий суғурта бюджетининг бажарилиши кўриб чиқилди. Хусусан, ЎзКУФК ижтимоий суғурта бюджети даромадлари тасдиқланган режага нисбатан 95,7 фоизни ташкил этганлиги, олинган даромаднинг 78,1 фоизи, яъни 11 миллиард 886 миллион сўм ходимлар ва болаларни соғломлаштириш учун сарфлангани маълумот учун айтиб ўтилди. Манзилли қурилиш дастурига асосан касаба уюшма сиҳатгоҳларини реконструкция қилиш учун 2 миллиард 95 миллион сўм сарфланди...

Амалга оширилган хайрли ишлар қайд этилиб, хато-камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Буни қарангки, 2009 йил якуни бўйича муҳокама қилинган вақтда кўрсатиб ўтилганига қарамай Жиззах, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари томонидан 2010 йил давомида ҳам олинган даромадларга нисбатан ортиқча маблағ сарфланишига йўл қўйилган. Бунинг натижасида жорий йил 1 январ ҳолатига маблағ танқислиги, шунингдек, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, оромгоҳлар, касаба уюшма бюджети, курортлар бошқармаси билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлар юзага келган.

(Давоми 2-бетда)

Матбуот конференцияси

Аёллар манфаати ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси

Давлат ва жамиятнинг қудрати аёлга муносабатда акс этади. Мамлакатимизда гендер тенгликнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, бу аёл ҳуқуқи соҳасидаги халқаро конвенцияларга тўла мос келади. Асосий Қонунимизга мувофиқ аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Хотин-қизларга сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида фаол иштирок этиш имконияти яратилган. Бошқача айтганда, аёлларнинг қонуний манфаати ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилган. Бу ҳуқуқлар Меҳнат, Фуқаролик, Оила кодекслари ва бошқа норматив ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, хусусан, Оила кодексида оилавий муносабатларда эркак ва аёлнинг тенглиги таъминланган бўлса, Меҳнат кодексида аёллар меҳнати учун ҳуқуқий кафолатлар белгиланган.

26 апрел куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси» мавзуидаги матбуот конференциясида бу борада амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифаларга эътибор қаратилди. Анжуманда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши масъул вакиллари, республика ва хорижий ахборот агентликлари, ОАВ ходимлари ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева ўз маърузасида оналик ва болаликни ҳимоялаш, хотин-қизларнинг ижтимоий ва моддий аҳволини яхшилаш, мамлакатни модернизациялаш жараёнлари ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларда аёлларнинг иштироки масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигига эътиборни қаратди.

— Тўпланган тажриба ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ижро ҳокимияти органларида фаолият кўрсатаётган аёллар сони тизимли равишда ортиб бормоқда, — деди, жумладан, Федерация кенгаши раиси. — Айниқса, хотин-қизлар электорати фаоллиги кучайиб, аёл-етакчиларга бўлган ишонч ортмоқда. Бугунги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлган аёллар 48 фоизни, жумладан, саноатда - 28,3, қишлоқ хўжалигида - 37, таълим, маданият, фан соҳаларида - 74, соғлиқни сақлашда - 75 фоизни ташкил этади. Аёл-фермерлар сони эса 1500 нафарга етди. Мустақиллик йилларида хотин-қизлар томонидан 300 дан ортиқ докторлик, 3 мингга яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Касаба уюшмалари фаолиятида хотин-қизлар фаол иштирок этмоқда. Бугунги кунда республикада 6 миллион 705 минг нафар касаба уюшма аъзоси мавжуд. Уларнинг 3 миллион 300 минг нафари, яъни 48,9 фоизи хотин-қизлардир. Федерация кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари ва ҳудудий касаба уюшмалари бирлашмаларининг 29, туман кенгашларининг 25, бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг 46 фоизини аёл раҳбарлар бошқармоқда.

(Давоми 3-бетда)

Ҳамкорлик

Кеча ЎзКУФК мажлислар залида бўлиб ўтган тадбирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида «Қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳамкорлик тўғрисида»ги икки томонлама Битим имзоланди.

Битим имзоланди

–Ўтган давр мобайнида қатор вазирликлар билан ижтимоий шерикликни йўлга қўйишга мўлжалланган битимлар имзоланди, — деди Федерация кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Касаба уюшмалари ва Омбудсман ўртасидаги ҳамкорлик 2000 йилдан бошланган бўлиб, касаба уюшмалари масъул ходимлари вилоятларда Омбудсманнинг минтақавий вакиллари вазифасини бажариб келмоқда. Малакали ҳуқуқшунослар эса Омбудсманнинг жамоатчилик эксперт гуруҳи аъзоси ҳисобланиб, улар ўтган давр мобайнида 300дан ортиқ меҳнат низолари бўйича хулосаларини берган. Имзоланган икки томонлама битим ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқади ва замон талабларига мослаштиради.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова битимнинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтди.

Томонлар ўз ваколатлари доирасида тенглик, мазкур мажбуриятларга риоя қилиш, миллий қонунчилигимиз, халқаро ҳуқуқ нормалари ижросини таъминлаш асосида фуқароларнинг меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳамкорликни ривожлантириш ва амалга оширишга келишиб олдилар.

Битим томонлар ўртасида ўзаро ҳужжатлар, ахборот алмашиш, шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ваколатлар доирасида ўзаро ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузаётган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан ариза ва шикоятларини ҳамкорликда кўриб чиқиш имконини беради. Шунингдек, Омбудсман ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши инсоннинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш соҳасидаги қонунларни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш, қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқ келтириш борасида биргаликда фаолият олиб боради.

Ўзаро ҳамкорлик инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2011-yil 28-aprel № 53 (2934)

Фаолиятга янгича ёндашув

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бир қатор ҳудудий бирлашмалар томонидан санаторий-ларга бепул йўлланмалар берилишида ҳам меъёр бузилишлари содир бўлганким, оқибатда бепул йўлланмалар режалаштирилганига қараганда 400 та кам берилган. Жумладан, Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро, Навоий, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида шу ҳолни кўришимиз мумкин. Бунинг акси ўлароқ, Андижон вилояти бўйича бепул йўлланмалар белгиланганига нисбатан 57 дона кўпдир...

Пул ҳисоб-китобни яхши кўради. Ҳар бир сўм ўз жойига сарфланган жойдагина ўсиш бўлади. Айниқса, бу масала касаба уюшма органларига катта масъулият юклайди. Бунинг яна бир сабаби, 2010 йил якунлари бўйича касаба уюшма бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботда ҳам таъкидлаб ўтилганидек, даромаднинг асосий манбаи аъзолик бадаллари бўлиб, у, табиийки, яна ўша аъзоларнинг манфаатига хизмат қилиши керак.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам ана шу қоидага тўла амал қилиняпти, деб бўлмайди. Акс ҳолда, Федерация кенгаши раёсатининг 1999 йил 15 июндаги «Янги молиявий фаолият тўғрисида»ги қарори бўлишига қарамай, яъни бошланғич касаба уюшма ташкилотларида йиғилган аъзолик бадалларининг 50 фоизи қолдирилиши ўрнига, ҳақиқатда ушбу кўрсаткичдан ортиқ маблағлар қолдирилаётганлигини қандай тушуниш мумкин?

Шу билан бирга, айрим тармоқ касаба уюшмалари томонидан аъзолик бадаллари ўз вақтида йиғилмаган, натижада 2011 йил 1 январ ҳолатига аъзолик бадаллари бўйича умумий қарздорлик 668,3 миллион сўмни ташкил этган. Бундай ҳол Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах, Навоий, Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятлари мисолида айниқса яққол кўзга ташланади...

Халқимизда «қозонда бори чўмичга чиқади», деган ҳикмат бор. Бунинг маъноси шуки, қозонга тушган масаллиқ қанча, унда қанча одамнинг улуши бор, ва керак бўлса, уларнинг сони ва қўшган ҳиссаси кўпроқ бўлиши мумкинми эди... каби саволларга ҳам йўл-йўлакай жавоб бериш лозим. Гап шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритиш касаба уюшма етакчилари ва фаолларидан давр билан қадамба-қадам илгарилашни тақозо этмоқда. Бунинг уддасидан чиқиб, бошқаларга ўрнак бўлаётганлар жуда кўп. Ва ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, айнан ана ўшандай фидойилар туфайли касаба уюшмалари обрў-эътибори ва нуфузи йил сайин юксалиб бормоқда.

Буни 2010 йил натижаларига асосан касаба уюшма аъзолари ва органлари сони бўйича статистик ҳисоботлар тўғрисидаги таҳлилий ахборотдан ҳам билиб олиш мумкин. Касаба уюшма аъзолари 2011 йил 1 январ ҳолатига 6 миллион 705 минг 129 нафардан иборат бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 40 мингдан зиёдроққа кўп демакдир. Бошқача айтганда, кўпдан-кўп объектив ва субъектив сабабларга қарамасдан ўсишга эришилган. Тизимда 35 минг 801 та бошланғич ташкилот, жумладан, 25 минг 652 та касаба уюшма қўмиталари, 10 минг 149 та касаба уюшма ташкилотчилари фаолият кўрсатмоқда.

Эътиборли жиҳатлардан яна бири шуки, бошланғич ташкилотлар раҳбарлари орасида 30 ёшгача бўлганлар салмоғи 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига 10,9 фоиз бўлса, эндиликда бу рақам 12,5 фоизни ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда 35 минг 801 нафар бошланғич ташкилотлар раислари орасида 30 ёшгача бўлганлар сони 4 минг 491 нафарга етди.

Раёсат йиғилишини бошқарган ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева шу ўринда ўта муҳим масалага эътиборни қаратди:

— Биз ютуқлардан кўз юммаган ҳолда, бу ўсишлар нималар эвазига эканлигини ҳам чуқурроқ таҳлил қилишимизга тўғри келади, — деди у, жумладан. — Аъзолар сонининг ортиши кўпроқ янгидан ташкил этилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ишловчилар ва ўқувчиларнинг касаба уюшмаларига жалб этилиши, олий ўқув юртига қабул қилинган талабаларнинг кўпайиши ҳисобига юз берди.

Дарҳақиқат, айни вақтда корхона, муассаса, ташкилотларда ишловчи касаба уюшма аъзолари сонининг камайиши тенденцияси кишини ташвишга солмай қўймайди. Хусусан, 2010 йил 1 январ ҳолатига 6 миллион 646 мингдан зиёд аъзолардан 5 миллион 43 мингдан кўпроғи корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчилар бўлиб, уларнинг улуши 75,6 фоизни ташкил қилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 74 фоизга қадар пасайди.

Танқид — келажак меваси. Раёсат йиғилишида кўпроқ оғриқли нуқталарга эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Бунда янада илдамроқ ҳаракат қилишимизга халал бераётган нуқсон-камчиликлардан қанча тезроқ холи бўлсак, кўзлаган манзилимиз шунчалар тезроқ яқинлашади, деган ақидага амал қилинди.

Авиация ходимлари, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмалари Марказий кенгашлари томонидан касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини йўналтириш борасида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, Федерация кенгаши раёсатининг 2010 йил 8 июндаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация VI Қурултойи қарорларини бажариш борасида Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари олиб бораётган ишлар тўғрисида»ги қарорнинг бажарилиши ҳақидаги масалалар кўрилганда ҳам шу нарса кўзга ташланди. Томонларнинг фикр-мулоҳазалари эшитилди, вазифалар белгилаб олинди.

Модомики, мақсад аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳурмат-эҳтироми ва эътирофига эришган ҳолда мамлакатимизда энг оммавий жамоат ташкилоти нуфузини ошириш экан, саъй-ҳаракатлар кўлами ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Бу, маълумки, кўпроқ фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш асносида янада яққолроқ намоён бўлади.

Раёсат йиғилишига тақдим этилган ахборотда айтилишича, 2010 йил мобайнида ЎзКУФҚ қабулхонасига жами 1155 та ариза, таклиф ва шикоят кўринишидаги мурожаатлар келиб тушган. Шунингдек, ўтган йил Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини йўналтириш борасида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, Федерация кенгаши раёсатининг 2010 йил 8 июндаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси унитар корхона Устави тўғрисида»ги қарор ҳам қабул қилиниб, уни Санатор-курортлар бошқармасига Давлат рўйхатидан ўтказиш топширилди.

«Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисидаги намунавий Низом» ва «Ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри) касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тўғрисида Низом» ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

Раёсат йиғилишида яна бир хайрли ва савобли ишга қўл урилди. Яъни, «Касаба уюшма органларида «Ишонч телефони» ҳамда ҳуқуқий ёрдам маслаҳат хизматини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор қабул қилиниши, ҳеч бир муболағасиз, касаба уюшмалари фаолияти мазмун-моҳиятини яна ҳам бойитадиган бўлди. Бошқача айтганда, бу «Инсонга наф келтириш — олий бахт» деган шиорнинг амалдаги ифодасига айланди.

Фавқулодда жуда кўп масалаларни қамраб олган Раёсат йиғилишида, шунингдек, касаба уюшмалари фаолиятини ташкиллаштиришга оид бир қатор норматив ҳужжатлар янги таҳрирда қабул қилинди.

Раёсат йиғилишида кўрилган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижросини бекаму кўст бажариш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Зайниддин РИХСИЕВ

Фарзандлар соғлиғи — келажак пойдевори

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойида тушган таклифларга мувофиқ Оролбўйи болаларини қабул қилиш географияси кенгайтирилади. Бу иш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари Самарқанд ва Жиззах вилоятлари оромгоҳларида ҳам амалга оширилади.

Еттинчидан, болалар соғломлаштириш оромгоҳларини текширишни тартибга солиш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир оромгоҳда кунига 2-3 та текширув ўтказилиши «анъана» бўлиб қолган.

Ҳокимият, санэпидстанция, прокуратура, ички ишлар бўлимлари, ёнғин хавфсизлиги хизмати ва бошқалар, туман, вилоят ва республика идоралари даражасида ўтказиб келинган алоҳида-алоҳида текширувлар кўп ҳолларда оромгоҳлардаги ташкилий ва тарбиявий ишларга халақит бермоқда.

Мазкур идоралар ўз ишларини тартибга солишлари, барча текширувларни фақат вилоят комиссияларини хабардор қилган ҳолда амалга оширишлари, текширишлар махсус ҳисобга олиш журналларида қайд қилиниши, уларда текширув ўтказаётган мансабдор шахс аниқ кўрсатилиши лозим. Оромгоҳларнинг моддий-техник аҳволи бўйича барча текширувлар улар далолатнома бўйича қабул қилиб олинаётганида тугатилиши керак.

Шундан келиб чиқиб, «2011 йил ёз мавсумида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини текширишни ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби» бўйича тузилган лойиҳа кўриб чиқиш учун республика комиссиясига киритилади.

Саккизинчидан, республиканинг барча ҳудудларида болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича ҳокимиятларнинг қўшма қарорлари қабул қилинди, тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Бу тадбирлар қоғозда қолиб кетмаслиги, турли хизматлар ва идораларнинг болаларни тўлақонли ҳамда мазмунли дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этишдаги ўрни ва ролини аниқ белгилаб қўйиш имконини бериши лозим.

Жойларда болалар оромгоҳлари ташкилотчилари ва ходимларининг вилоят семинарларини ўтказиш назарда тутилмоқда. Мазкур семинарларга болаларни соғломлаштиришга хизмат кўрсатувчи таълим, соғлиқни сақлаш, ички ишлар идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, бошқарма ва муассасаларнинг мутахассислари жалб қилиниши лозим.

1 июнга қадар болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини ходимлар ва мутахассислар билан тўлдириш ишлари тўла якунланиши керак. Оромгоҳлар бошлиқлари, бош етакчилар, тарбиячилар, тиббиёт ходимлари Ўзбекистон касаба уюшмаларининг «Болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ходимларининг мансаб вазифалари» йўриқномасининг малакавий талабларига қатъий риоя қилган ҳолда танлаб олиниши керак.

Бунда иш кўникмаси ва тажрибаси, ёши ва маълумоти жиҳатидан мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Оромгоҳнинг ҳар бир ходими ўз вазифаларини пухта билиши ва оромгоҳ шароитида ишлашга тайёрланган бўлиши лозим.

Ёзги мавсум мобайнида муаммоларни тезкор ҳал қилиш учун республика болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш комиссиясининг ишчи гуруҳлари шакллантирилади.

Ишчи гуруҳнинг мақсади болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини ўрганиш, аниқланган муаммолар ва камчиликларни вилоят доимий комиссияси йиғилишида якуний муҳокама қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан тезкор ва аниқ тадбирлар белгилаш ҳамда заруратга қараб амалий ёрдам беришдан иборат бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, болаларнинг ёзги оромгоҳларига аввало, фақат болалар дам олдирилиб, соғломлаштириладиган жойгина деб эмас, балки ижодий, интеллектуал камол топадиган, болаларга соғлом турмуш тарзи сингириладиган, ижтимоий кўникмалар эгалланадиган педагогик маскан сифатида қаралмоғи даркор.

Кун тартибидаги иккинчи масалага ўтар экан, Федерация кенгаши раиси мазкур масала нима учун кун тартибига киритилганлигига эътибор қаратди.

Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи бўлиб ўтганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт ичида касаба уюшмалари органлари, жумладан Федерация кенгаши томонидан қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари ходимлари билан, шунингдек вилоятларда бўлиб ўтган учрашувларда билдирилган таклифлар асосида 102 банддан иборат тадбирлар ишлаб чиқилди ва бугунги кунгача уларнинг 80 таси ҳал этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун Бош келишув имзоланиб, Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида рўйхатдан ўтказилди.

Касаба уюшмалари фаолиятига доир амалда бўлган 15 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Асосий эътибор бошланғич ташкилотлар мавқеини оширишга, касаба уюшмалари тузилмасини оптималлаштириш ва такомиллаштириш орқали касаба уюшмалари органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, аъзо ва тасарруфдаги ташкилотлар фаолиятини янада кучайтиришга қаратилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилоти тўғрисида намунавий Низом ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Бошланғич ташкилотлар фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиниб, жойларга етказилди.

Қуйи ташкилотларнинг аввал жорий этилган вакиллик институти ўзини оқламаганлиги тўғрисидаги фикрларини ҳисобга олиб ва аъзо ташкилотлар таклифлари асосида вакиллик институтини бекор қилиш ҳамда унинг ўрнига соҳа хусусиятларини ҳисобга олувчи янги тузилмаларни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, ҳозирги кунда бу йўналишда ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда муайян молиявий қийинчиликларни бошдан кечираётган касаба уюшмаларини бирлаштириш ва оптималлаштириш, шу орқали ҳам молиявий, ҳам ташкилий жиҳатдан кучли касаба уюшмаларини ташкил этиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ҳамда Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаларини бирлаштириб, янги касаба уюшмасини ташкил этиш бўйича таъсис Қурултойи ўтказилди.

Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари билан Савдо ходимлари ва тадбикорлар касаба уюшмасини, Маданият ходимлари касаба уюшмаси билан Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасини бирлаштириш кўзда тутилган.

Ҳудудий бирлашмалар ва тармоқ касаба уюшмаларининг ҳудудий органлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, уларнинг ваколатлари, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадида «Ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Низоми» ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Шу билан биргаликда, касаба уюшма ташкилотлари ҳудудий бирлашмалари, касаба уюшмаларининг ҳудудий органлари тузилмасини оптималлаштириш мақсадида уларнинг тузилмаси ва штат жадвалларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар, ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, раёсат йиғилишида тасдиқланди.

Қарорга кўра, ҳудудий бирлашмаларнинг маданий-маърифий ишлар, меҳнат муҳофазаси, юридик бўлимлари қўшимча штат бирликлари ҳисобига кучайтирилиши ва бу бўлимлар мутахассисларини тармоқ вилоят органларига бириктириб, уларга хизмат кўрсатишларини таъминлаш, шунингдек, Тафтиш комиссиясининг бош тафтишчиси штат бирлигини киритиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши курортлар бошқармаси тузилмасини такомиллаштиришга қаратилган ишлар натижасида Бошқарманинг янги штат жадвали ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Штат бирликлари сони 25 фоизга қисқартирилиб, маблағлар иқтисод қилинишига эришилди.

Худди шундай ишлар касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг даволаш-профилактика марказида ҳам олиб борилди. Марказ тузилмасини оптималлаштириш натижасида 18,5 фоиз штат бирлиги қисқартирилди. 2011 йилда касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан бериладиган дотация суммаси 2010 йилга нисбатан 23 фоизга қисқартирилди.

Ижтимоий адолат тамойилларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида даволаш-профилактика марказига бириктирилган контингентга тиббий ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тўғрисида Низом тасдиқланиб, Марказий кенгашлар, ҳудудий бирлашмалар йўлланмаси асосида марказда даволанишга йўлланадиганлар сони 250 кишигача оширилди.

Санаторийларга бериладиган йўлланмалар сонини ошириш тўғрисида билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда «Санаторий йўлланмаларини режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, ҳисобга олиш, ҳисоботи ва бериш тартиби тўғрисида Низом» қайта кўриб чиқилди. Низомда ходимга йўлланмалар илгари ўрнатилганидек 5 йилда эмас, 3 йилда бир маротаба берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан ҳам ходимлар ва уларнинг яқин оила аъзоларини (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари)га йўлланмалар бериш имкониятлари кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу ҳар йили касаба уюшма бюджети ҳисобидан 10 мингга яқин ходим ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш имконини беради.

Касаба уюшмалари мулкини кўпайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Қайд этиш лозимки, Федерация кенгаши томонидан 1999 йилда қабул қилинган «Янги молиявий фаолият» тўғрисидаги қарор ижроси юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилган.

Бироқ ҳаётнинг ўзи фаолиятни бугунги кун талабларига мувофиқлаштиришни талаб қилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Федерация кенгашининг раёсат йиғилишида қабул қилинган «Барча даражадаги касаба уюшма органларида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тўғрисида Низом» қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, молиявий фаолиятга тегишли мазкур Низом илгаригисидан тубдан фарқ қилади. Унда нафақат касаба уюшма бюджети маблағларини тақсимлаш ва сарфлаш тартиби, балки Низомнинг мақсади, касаба уюшмалари даромадларининг шаклланиши, сарф-харажатларнинг мақсадлари, маблағлардан фойдаланиш тартиблари каби қатор қоидалар батафсил ёритилган.

Бу эса бюджет маблағларини бошқаришда тушунмовчиликлар, қоидабузарликлар келиб чиқишининг олдини олишга хизмат қилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, унда Федерация кенгаши, кенгаш раёсатининг касаба уюшмалари органлари молиявий фаолиятига доир турли қарорлари билан қабул қилинган меъёрлар танқидий жиҳатдан ва бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилиб, мужассам этилган.

Шунингдек, Низом лойиҳасини ишлаб чиқишда касаба уюшмалари уставларида белгиланган вазифалар доираси ва ваколатлардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир бўғиндаги касаба уюшмалари органларининг манфаатлари эътиборга олинди.

Маълумки, касаба уюшмалари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича асосий ишлар бошланғич ташкилотларда амалга оширилади. Шу боис уларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш муҳим масалалардан биридир. Қолаверса, кўплаб таклифлар инобатга олиниб, бошланғич ташкилотларда амалга йиғилган аъзолик бадалларининг камида 53 фоизини қолдириш, шу ҳисобдан аъзолик бадаллари ялпи тушумининг 3 фоизи миқдоридаги маблағларни ходимлар ва уларнинг оила аъзолари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари)ни соғломлаштириш учун санаторийлар ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар харид қилиш ҳамда бошланғич ташкилотлар ҳисобидаги ижтимоий объектларни жорий ва капитал таъмирлаш, уларни сақлаб туриш мақсадларига сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу маблағлар ҳисобига бир йилда 10 мингга яқин касаба уюшма аъзоларини қўшимча тарзда соғломлаштириш имконияти яратилади.

Бугунги кунда фаолият юритаётган 35 минг бошланғич ташкилотлар раисларининг 34 мингдан ортиғи жамоатчилик асосида фаолият олиб боришини эътиборга олиб, уларни рағбатлантириш мақсадида Низом лойиҳасига асосий ишидан озод этилмаган, жамоатчилик асосида ишловчи касаба уюшма қўмиталари раисларига қўшимча тўловни республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг уч баробаригача (аввалги Низом бўйича –икки баробаригача эди), ғазначиларига эса республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг икки баробаригача бўлган миқдорда тўланиши ҳақида қоида киритилган.

Молиявий имкониятларини ошириш ва фаолиятини барқарорлаштириш мақсадида Автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги, Агросаноат мажмуи, Металлургия ва машинасозлик саноати, Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат, Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари ҳамда Савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмалари ташкилотларидан Федерация кенгашига чегирмалар миқдорини вақтинчалик, яъни 2012 йилнинг 31 декабригача 12 фоиз, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб 15 фоиз этиб белгилаш таклифи киритилмоқда.

Вилоят бирлашмаларига ўтказиладиган чегирмалар миқдорини 9 фоиз этиб белгилаш, мазкур жами маблағларнинг 1/9 қисмини (аъзолик бадаллари ялпи тушумининг 1 фоизини), шаҳар, туман жисмоний тарбия ва спорт жамиятларини сақлаб туриш, шунингдек, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини молиявий қўллаш мақсадларига сарфлаш назарда тутилмоқда.

Вилоят бирлашмаларига ўтказилиши режалаштирилаётган 9 фоизлик чегирманинг яна бир қисмини, яъни бирлашмалар ҳисобида қолган маблағларнинг 1/8 қисмини бирлашмалар баланси да мавжуд бўлган болалар соғломлаштириш оромгоҳларини сақлаш, уларни таъмирлаш, оромгоҳ ходимларига иш ҳақи тўлаш ва оромгоҳларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадларига йўналтириш кўзда тутиляпти.

Бирлашмаларда қоладиган маблағлар ҳисобидан ҳудудий бирлашмаларнинг меҳнат муҳофазаси, юридик, маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлимлари фаолиятини қўшимча штат бирликларини киритиш орқали кучайтириш, бирлашма мазкур бўлимлари мутахассисларини тармоқ касаба уюшмалари органларига бириктириб, уларга ўз йўналишлари бўйича хизмат кўрсатишларини ташкил этиш ҳудудий бирлашмалар, Марказий кенгашлар учун ҳар томонлама фойдали бўлади.

Шунингдек, туман, шаҳар, вилоят касаба уюшмалари органлари ҳам ўзларининг молиявий фаолиятларини танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиши лозим.

Айрим тармоқ касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан маданий-оммавий тадбирларга, маъмурий-хўжалик харажатларига сарфланаётган маблағлар миқдори 40-50, ҳаттоки 90 фоизгача етмоқда.

Бундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида янги Низом лойиҳасида маблағларни қайси мақсадларга ва қанча сарфланиши қатъий ҳамда аниқ белгилаб қўйилди.

— Бугун ҳар бир касаба уюшмаси ташкилоти маблағларни тежаб сарфлашдан ташқари мавжуд бўш маблағлар ҳисобидан қўшма ва кичик корхоналар, хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш, бўш турган пул маблағларини банкларда депозитга қўйиш орқали банк фоизлари кўринишда даромад олиш, қимматли қоғозлар чиқариш ва сотиш, касаба уюшма ташкилотлари мулкини ижарага бериш, касаба уюшмаси туризмини ривожлантириш, банклар, суғурта ташкилотлари, акциядорлик жамиятлари, компаниялар, корхоналар очиш йўли билан қўшимча даромадга эга бўлиш, шу маблағлар ҳисобидан қўшимча иш ўринларини яратиш тўғрисида ўйлаб кўриши лозим бўлади, — деди пировардида Федерация кенгаши раиси. — Бунга эса юқорида қайд этилган Низом талабларига қатъий амал қилиш орқалигина эришиш мумкин.

Кун тартибида кўрилган масалалар юзасидан сўзга чиққан Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Э.Ражабов, Халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, Андижон вилоят ҳокими ўринбосари, ЎзКУФ тафтиш комиссияси раиси Ш.Ибрагимов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария эпидемиология республика маркази болалар гигиенаси бўлими санитар врачи Р.Қосимов, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қ.Собиров, «GM-Uzbekistan» ёпиқ акционерлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси М.Олимов ҳамда «Меҳржон» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Х.Турғунова меҳнаткашлар фарзандларини ёзги соғломлаштириш ишлари самарадорлигини ошириш, касаба уюшма бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мажлисда Федерация кенгашининг «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати ва раёсат Ижроия қўмитаси томонидан касаба уюшмалари мулкини бошқаришга доир қабул қилинган қарорлар тўғрисида»ги қарори тасдиқланди ҳамда кўрилган бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ

Ishonch
2011-yil 28-aprel № 53 (2934)

Аёллар манфаати ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Гендер тенглик муаммоларининг ечимини топишда касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Айниқса, аёллар ва эркакларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларининг тенг ҳимоя этилиши масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилаётган жамоа шартномалари ва келишувлар орқали тизимли изчиллик йўналишида аёллар ва эркаклар манфаатлари ҳимояланмоқда. Бу йўналишдаги ишларнинг барчаси ижтимоий шериклик тамойиллари ва жамоат назорати асосида амалга оширилмоқда.

Республика миқёсида амалда бўлган 14 та ҳудудий, 81 та тармоқ келишувлари, бевосита корхоналарда тузилган 115 мингдан зиёд жамоа шартномаларида касаба уюшма аъзолари манфаатлари акс этган.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномалари ва келишувлар орқали ҳар йили 750 минг нафар аёл қўшимча таътил, 55 минг нафар аёл иш берувчилар ҳисобидан 1-2 ойга узайтирилган ҳомиладорлик ва туғиш таътили олади. Мактабгача ёшдаги фарзандлари бўлган 250 минг нафар кўп болали аёллар учун қисқартирилган иш куни белгиланади. Шунингдек, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанд парвариши билан банд бўлган 50 минг нафардан зиёд аёлга моддий ёрдам кўрсатилади.

Бугунги жамоа шартномалари ва келишувлар орқали бундай ҳуқуқлардан нодавлат секторида фаолият кўрсатаётган 100 минг нафар аёл ҳам фойдаланмоқда.

Касаба уюшмалари томонидан ноформал бандликни чеклаш юзасидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида мазкур секторда ишловчи 2400 нафар ходимга меҳнат дафтарчалари очишга муваффақ бўлинди. Касаба уюшмаларининг юридик хизматлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида фаолият юритаётган ёш тадбиркорлар, тадбиркор аёлларга ҳуқуқий маслаҳатлар кўлами кенгайтирилди.

Федерация кенгаши раиси аҳоли даромади ва фаровонлигини амалга оширишда фаол иштирок этиш, касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган янги иш ўринлари, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг маънавий савияларини ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги устувор вазифалар ҳақида гапириб, бу хайрли ишларни амалга оширишда қатор вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Омбудсман билан ишлаб чиқилган қўшма қарорлар дастурининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, анжуманда Федерация кенгашининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлими мудири Маҳмуд Исаев жамоа келишувлари ва шартномалари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишлар, бунда Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Республика Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишувнинг аҳамияти ҳақида маъруза қилди.

Матбуот конференциясида болаларнинг ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти, ёш оналарга яратилаётган имтиёзлар, қишлоқ хотин-қизларини иш билан таъминлаш ва соғлигини яхшилаш борасида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар берилди.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

● Сўраган эдингиз...



Менга Республикада хизмат кўрсатган мураббий унвони берилди. Унвоннинг имтиёзлари ҳақида маълумот берсангиз.

Зулфия ҒАФФОРОВА,
Сардоба тумани

Менга имтиёз борми?

«Фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ тўловлар Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 январдаги қарори билан тасдиқланган ойлик иш ҳақининг 1,6 баравари миқдорида амалга оширилади. Фахрий унвонлар учун ҳар ойлик тўловлар бюджет ташкилотларида фаолиятини амалга ошираётган шахсларга тегишли бюджет ҳисобидан тўланади. Фахрий унвон учун тўловни тайинлаш қуйидаги ҳужжатлар:

фахрий унвон бериш тўғрисидаги гувоҳнома, шунингдек унинг нусхаси;

фахрий унвон учун тўловни амалга оширишга берилган ариза;

Ариза берувчининг паспорти (ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат — ҳарбий хизматчилар учун), шунингдек унинг нусхаси тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

Фахрий унвонлар учун иш ҳақига ёки пенсияга қўшиб бериладиган тўловлар ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб амалга оширилади.

Мен иккинчи гуруҳ ногирони, ёлғиз онаман. Икки ёшли фарзандим бор. Уйда элита пардалар тикиш билан шуғулланаман. Мижоз қидириш мақсадида газетага эълон бермоқчи эдим. Бироқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун патент (рухсатнома) бўлмаса, эълон чоп этилмас экан. Солиқ инспекцияси ходимлари патент олиш учун энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида тўлов тўлашимни айтишди.

Шу тўғрими?

Насиба БЕКМУРОДОВА, Тошкент шаҳри

Патент олишим шартми?

Патент тадбиркорлик фаолиятининг маълум тури билан шуғулланиш учун бериладиган махсус рухсатнома ҳисобланади. Бундай рухсатномани сотиб олиниши тадбиркорни (одатда якка тартибдаги) бир йил ёки бошқа муддатга солиқлардан озод қилади.

Солиқ Кодексининг 180-моддаси иккинчи қисмининг 5-бандига биноан I ва II гуруҳ ногиронлари имтиёзли пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқларнинг ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида солиқ тўлашдан озод қилинган. Шунингдек, Кодекснинг 275-моддаси биринчи қисмининг 6-банди билан бундай шахслар мол-мулк солиғи ҳамда 290-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра ер солиқларини тўлашдан озод қилинган.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

● Акс-садо

Сифат ҳам эътиборга олинса...

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Газетангизнинг шу йил 29 март сонида чоп этилган «Дафтар — реклама тахтаси эмас, унда миллийлик акс этмоғи лозим» сарлавҳали мақолани жамоамиз аъзолари қизиқиш билан ўқиди. Унда таъкидланганидек, республика истеъмол бозори, жумладан, таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларини Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари ҳамда маънавиятимиз ва қадриятларимизга мос сифатли ёзув дафтарлари билан таъминлаш ишларини такомиллаштиришга қаратилган қарор ижроси юзасидан ижобий ишлар амалга оширилаётганидан мамнун бўлдик.

Боланинг ўқув буюми дафтар ҳақида вақтли матбуотда кўплаб мақолалар ёритилаётган бўлса-да, муаммо ҳамон ечимини топгани йўқ. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган дафтар муқоваси ва ички варақларининг сифат жиҳатдан кўнгилдагидек эмаслиги бизни ташвишлантириб келмоқда. Масалан, варақларининг юпқа ва хиралигидан ўқувчида бир қатор қийинчиликлар юзага келмоқда. Жумладан, математика ва табиат фанларидан ҳар хил шакл ва расмлар чизиш ҳамда уларни бўяшда дафтар варақларининг йиртилиш ҳоллари содир бўлиб, болалар хижолатда қолмоқда. Баъзи дафтарлар ички бетларидаги чизиқлар бир-бирига мос тушмайди, ҳошиялари ҳам ҳар хил. Дафтарлар жилдида ҳамон ўқувчи тарбиясига зид бўлган суратлар туширилганлигини кўриб, беихтиёр ранжийсиз. Қисқаси, ўқув умумий ва кундалик рейтинг дафтарини ўқувчининг юзи, ҳусни ва ташқи қиёфасига қиёслаш мумкин. Аммо... Шу аммо бўлмаса эди...

Салима САФАРОВА,
Жиззах шаҳридаги 1-мактабнинг биринчи тоифали ўқитувчиси

Жиззаҳда бўлиб ўтган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 135 та йирик ва кичик корхоналар ўзлари ишлаб чиқараётган тўрт юзга яқин турдаги харидоргир маҳсулотлари билан иштирок этди.

Суратда: *«Жиззах пластмасса» очиқ акциядорлик жамияти маркетинг мутахассиси Дилшод Икромов ва «Каттабек» маъсулияти чекланган жамияти бош ҳисобчиси Людмила Парфирьева.*

Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат

Банк ва мижоз ●

Мамлакатимизда фаолият юритаётган банкларнинг деярли барчаси мижозлар учун янги-янги хизмат турларини таклиф этмоқда. Хизмат турларининг кенг кўламлилиги, фаолиятининг самарадорлиги билан мамлакатимизда етакчилик қилаётган молиявий муассасалардан бири Хусусий очиқ акциядорлик биржа банки «Трастбанк»дир. 1994 йилда фаолиятини бошлаган ХОАББ «Трастбанк» ўтган даврда ўз мижозларига банк хизматларини кенг кўламда тақдим этиб келмоқда.

Замонавий технологиялар

мижозлар манфаатига хизмат қилмоқда

Яқинда мазкур муассасада «Замонавий банк технологиялари» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, янги банк технологияларининг долзарблиги ва келажакдаги ривожланиш масалаларини ёритиб беришдан иборат эди.

Маълумки, тизимнинг ривожланишини янги банк технологиялари ва хизматларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, ўтган йилда хизмат ва сервис кўрсатиш соҳасида кўрсаткичлар ўсиши кузатилди. Бунда уяли алоқа, интернет, видеотелефония, рақамли телевидение, замонавий банк маҳсулотлари, лизинг, суғурта, аудит, инжиниринг каби замонавий хизмат кўрсатиш турларига алоҳида эътибор берилган.

Инновацион технология(ИТ)ларни ишлатиш муваффақиятли бизнеснинг ажралмас қисми ҳисобланади. ИТ ечимларини тўғри ишлатиш ва интеграцияси банкларнинг бизнес жараёнидаги иқтисодий кўрсаткичларига кун сайин боғлиқ бўлиб бораётганлиги қайд қилинмоқда. Ўзбекистон Президентининг «2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори талаблари доирасида, ахборот технологияларини кенг қўллаган ҳолда, банк хизматлари сифатини ошириш ва турларини кенгайтириш борасида комплекс тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

«Трастбанк» ўз мижозларига пул маблағларини янада қулай ва тез бошқариш, вақт ва маблағни тежаш мақсадида «Интернет-Банк», «СМС-Банк» ва «Банк-Мижоз» каби масофадан туриб хизмат кўрсатиш турларидан кенг фойдаланилаяпти. «Интернет-Банк» тизими мижозга ўзининг банкдаги ҳисобини дунёнинг исталган жойидан интернет орқали бошқаришини таъминлайди. «СМС-Банк» тизими мижозларнинг ўз ҳисоб варақлари ҳолати ва амалга оширилган операциялари тўғрисидаги маълумотларни уяли телефон воситасида олиш имконини беради. «Банк-Мижоз» тизимига уланган мижоз ўз офисидан чиқмаган ҳолда тўловларни амалга ошириш ва банкдан зарурий ахборотни олиш имкониятига эга бўлади.

Банк келгусида ҳам ўз мижозларига қулайлик яратиш мақсадида кўплаб хизмат турларини жорий этишни режалаштирмоқда.

Насиба ИСМАТОВА,
«Ishonch» мухбири

● Қарор ва ижро

Янги акциз маркалари

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги қарорига мувофиқ жорий йил 1 апрелдан эътиборан алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этилди.

2011 йил 14 мартда Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори қабул қилиниб, Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилди. Унга мувофиқ, Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 3 мартда рўйхатга олинган «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тартиби тўғрисида»ги низомга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

— «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 13-бандига мувофиқ, амал қилиш муддати ўтган акциз маркалари билан маркаланган алкогол ва тамаки маҳсулотлари маркаланмаган ҳисобланиши ва белгиланган тартибда олиб қўйилиши ҳамда йўқ қилиниши керак;

— эски намунадаги акциз маркаларини йўқотиш бўйича харажатларни эски намунадаги акциз маркалари ёки улар билан маркаланган маҳсулотга эга бўлган ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар амалга оширади;

— инвентаризация қилиш пайтида (жумладан, 2011 йилнинг 1 октябр ҳолатига) савдо ташкилотларида бўлган, амал қилиш муддати ўтиб кетган акциз маркалари билан маркаланган алкоголли ва тамаки маҳсулотлари қонунчиликка мувофиқ олиб қўйилиши ҳамда йўқ қилиниши керак;

— акциз маркалари идишнинг зич қилиб ёпилган қалпоқчалар (ёки полиэтилен пробкалар) устидан ёнларини тенг қамрайдиган ҳолда қопқоқ очилганда йиртиладиган қилиб яхшилаб ёпиштирилади;

— белгиланган тартибни бузган ҳолда (масалан, целлофан устидан ёпиштирилганда, бошқа ишлаб чиқарувчилар ёки импортчиларнинг маркалари ёпиштирилганда) акциз маркалари ёпиштирилган тамаки маҳсулотлари маркаланмаган деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда олиб қўйилиши ҳамда йўқ қилиниши лозим.

Алкоголли ичимлик учун акциз маркаларида идишининг ҳажмини литрларда билдирадиган қуйидаги ёзувлар қайд этилади: Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт бўйича олиб кириладиган алкоголли ичимликлар бўйича: «0,1 L gacha», «0,11 dan 0,25 L gacha», «0,26 L dan 0,37 L gacha», «0,38 L dan 0,5 L gacha», «0,51 L dan 0,75 L gacha», «0,76 L» ва юқори;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган алкоголли ичимликлар бўйича: «0,05 L», «0,1 L», «0,2 L», «0,45 L», «0,5 L», «0,7 L», «0,75 L», «1,0 L», «1,75 L», «3 L».

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Юнусобод туман ДСИ фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, туман ҳудудида биттадан алкоголли ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб турибди. Шу боис, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳамда уларнинг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи корхоналарга 2011 йил 1 апрелдан жорий этилган янги намунадаги акциз маркалари, уларни амалиётга татбиқ этиш тартиби ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотлар етказилмоқда. Шунингдек, янги намунадаги акциз маркаларининг ҳимоя элементларини аниқлаш бўйича семинарлар ташкил этилмоқда. Янги намунадаги акциз маркалари тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлишлари учун «Давлат белгиси» ДИЧБ билан биргаликда ўқув кўлланмалар ишлаб чиқиб, солиқ органлари ходимларига хизматда фойдаланиш учун юборилмоқда, тегишли ходимларни акциз маркаларининг ҳимоя элементларини аниқлаш учун махсус асбоб-ускуналар билан таъминланаяпти.

Жаҳонгир ХОЛОВ,
Юнусобод туман ДСИ инспектори

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакиллиги жамоаси вакилликнинг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича етакчи мутахассиси Фозил Турсуновга турмуш ўртоғи

НОДИРА ҲАЙИТОВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тармоқ касаба уюшмалари жамоалари Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили

Олтибой ЭГАМБЕРДИЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Маданият ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши жамоаси вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубиёт маркази касаба уюшма қўмитаси раиси Насиба Бердиевага онаси

БОДОМ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоаси Қашқадарё вилояти бўйича мухбир Акмал Абдиевга бувиси

МУКАРРАМ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат техника университети Энергетика факултети «Электр техника, электр механика ва электр технологиялари» кафедраси жамоаси доцент Нукридин Савридиновга онаси

ЗАҲРОГУЛ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Омон бўлинг,

МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 28-aprel № 53 (2934)

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши саноқли кунлардан кейин Термиз шаҳрида бошланадиган «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинлари иштирокчилари ҳамда меҳмонларини қутлайди.



«Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинларининг финал босқичига Сурхондарё вилоятида пухта тайёргарлик кўрилди. Замонавий стадионлар, сузиш ҳавзалари, бадиий гимнастика ва бошқа кўплаб заллар қурилиб, спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, 2000 йилдан буён ўтказилиб келинаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг бу галги нуфузли мусобақасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан 867 нафар ўқувчи иштирок этади. Улар спортнинг 12 тури бўйича ғолиблик учун баҳсларга киришади. Қувонарлиси, спортчи-ўқувчиларнинг 354 нафарини қизлар ташкил этмоқда.

Спортчи-ўқувчиларни, мураббий ва ҳакамларни муносиб кутиб олиш, жойлаштириш, мазмунли ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш, мусобақаларни юксак савияда ўтказиш мақсадида шаҳардаги Олимпия захиралари спорт коллежи, Термиз давлат университети, биринчи ва иккинчи академик лицейлар, педагогика, санъат коллежларининг спорт иншоотлари тайёр қилиб қўйилди.



Шу муносабат билан қисқа фурсатда барпо этилган «Сурхон» спорт мажмуидаги ўн минг томошабинга мўлжалланган стадионда нафақат футбол учрашувларини, балки енгил атлетика баҳсларини ҳам юқори савияда ўтказиш мумкин.

h

Касаба уюшма спорти

26-27 апрел кунлари Самарқанд шаҳридаги «Темирйўлчилар» ўйингоҳида Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятлари касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари ҳамда Навоий тоғ-металлургия комбинати ходимлари ўртасида минтақавий баҳслар бўлиб ўтди.

Минтақавий баҳслар якунланди

Мусобақада иштирокчилар спортнинг 5 тури бўйича беллашишди. Енгил атлетикачилар баҳсида биринчи ўрин самарқандлик Диловар Эгамбердиевага насиб этди. Шахмат мусобақасида қашқадарёлик Ҳусан Омонов барча рақибларидан устун келди. Шашкада эса эркаклар орасида қашқадарёлик Азамат Шоимов, аёллар ўртасида навоийлик Саломат Ҳайдарова ғолиб чиқди. Стол тенниси мусобақаларида бухоролик Карим Рўзиев, навоийлик Олга Мусина пешқадамликни қўлга киритди.

Футбол беллашувлари шиддаткорлиги боис энг кўп мухлис тўплади. Самарқандликлар шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

Ғолиблар республика беллашувларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Н. ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Insonga naf keltirish - oliy baxt

Muassis:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay’ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o‘rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog‘indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To‘lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas’ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e’lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg‘ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko‘chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko‘rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova

Navbatchi:
Sh. Abdusamadov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy.

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumottarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 00.50
Топширилди -00.55

Буюртма Г — 451

20341 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 345

Азиз хотира

Мухлис битиги

Баҳорни севган, уни куйлаган, кўклам билан сирлашган шоир — Муҳаммад Юсуф айни шу фаслнинг 26 апрелида таваллуд топган. Шунинг учун бўлса керак, баҳор тимсоли, чечаклар тасвири, баҳоргагина хос хусусиятлар унинг шеърларига кўчган. Бу туйғулар ўқувчига ҳам юқади. Боиси, ашъорларини ўқир эканмиз, гўзал туйғуларга, орзуларга қалбимиз тўлади.

Шоир бугун орамизда йўқ бўлса-да, доимо хотирамизда, қалбимизда. Унинг сўзлари ҳар куни ё қўшиқ, ёки шеър ҳолида телевизор, радио, матбуотда жаранглайди. Қолаверса, минглаб мухлислар қалбида ёзганлари севимли калом сифатида сақланиб, қайта-қайта ўқилади.

Баҳорлардан «кўк» илинишини сўраган, латиф қизғалдоқни синглим, дея ардоқлаган шоир бугун улар-ла бирга. Шундай ёмғирлар мавсуми бўлмиш апрел ойида қалбимдан бир сўз кўчди. Бу сўз шоир билан учрашишни истаган, суҳбатларини орзулаган мухлиса битиги:

Андижоним, олов қалбли нурлар шаҳри.
Қўллари гул, сўзлари дур ҳурлар шаҳри.
Бўйларингга бўлолмадик бўйтуморлар,
Йўлларингда ўсмасмиди кўзтиконлар?!

Эркала деб, саҳроларда жайрон кутар,
Қизғалдоқлар ўпич сўраб, ҳайрон кутар.
Муҳаммадни тополмай зор баҳор ўтар,
Шоир оғам, бошларингни бир бор кўтар!

Тўрт томонга чопар шамол тополмайди,
Осмон хомуш, кўзёшларин тутолмайди.
Йўл бўйида қатор терак сени кутар,
Бу йўллардан яхши ўтар, ёмон ўтар.

Боши эгик хўрсинади қизғалдоқлар,
Кексайгандек бўлиб қолди, ҳатто тоғлар!
Мухлисларинг шеърингга зор, соғинч ўртар,
Шоир оғам, бошларингни бир бор кўтар!

Сочларимни жамалаклаб ўриб олдим,
Баҳор келди, толбаргакдан чамбар солдим.
Қошда ўсма камон каби эгилгандир,
Кўнгил янги ашъорингни соғингандир.

Ялпизларнинг юзларида ёшлар қотар,
Андижонда, наҳот сенсиз тонглар отар?
Марҳаматга борар йўллар қатор-қатор,
Шоир оғам, бошларингни бир бор кўтар!

Озода САРАФРОЗ

Кандакорлик

Кандакорлик қадимги даврлардан бери ривожланиб, сайқал топиб келаётган халқ амалий санъатининг бир туридир. Археологик топилмалар орасида кандакорликка оид ноёб буюмлар милоддан аввалги VI-V асрларга тааллуқлилиги маълум. Дастлаб кандакорлик буюмларини безашда афсонавий қаҳрамонлар, мавжудотларнинг тасвири кенг қўлланган бўлса, араблар истилосидан кейин бошқа санъат турлари каби айрим ўзгаришлар кўзга ташланди. Улар «гирриҳ», «ислимий» нақшлар ва нақшинкор араб ёзувидаги байтлардир.

Умрбоқий санъат

Кандакорлик санъатининг кейинги юксалиш даври темурийлар ҳукмронлик қилган вақтга тўғри келади. Бу даврда ушбу санъат турида янгидан-янги усуллар вужудга келди ва безаклар сони ортди.

Асрлар оша кандакорлик санъатида ўзига хос хусусиятларга эга мактаблар шаклланди. Тошкент-Фарғона, Самарқанд-Бухоро, Хива мактаблари бир-биридан усуллари билан, зарбнинг чуқур ёки саёзлиги, қўлланиладиган нақшлари билан фарқланади. Масалан, Тошкент-Фарғона кандакорлик мактаби усталари нафис нақшларни саёз заминли пардозлаш орқали яратадилар. Шу билан бирга усталар анъанавий нақшлар фонида меъморий обидалар тасвирини ҳам ишлашади. Бу мактаб усталари яна бир муҳим жиҳати, буюм заминига ишлов берилмай, очиқ қолишидир. «Меҳроб», «Занжира», «Зулук», «Олмагул» каби нафис нақшлар Тошкент-Фарғона кандакорлик мактабига хос бўлиб, унинг илғор ютуқларини ўз шогирдларига ўргатаётган кандакор усталардан бири Мақсуд Мадалиевдир. Устанинг асарлари нақшлар аниқ ўйилганлиги, бетакрорлиги, мазмунмоҳиятга бойлиги, айниқса, нозик нақшларни ўйишдаги техник маҳорати билан ҳам бошқалардан ажралиб туради. Буюмлар безагининг асосий услуби нақшларни ҳошиялаш йўли билан ажратиш ҳисобланади. Тошкент кандакорлик мактаби усталари ижодида ислимий нақшларни қўллаш ва ғишт, меҳроб, занжира каби ҳандасавий нақшларга мурожаат қилган ҳолда композиция яратиш Мақсуд Мадалиев ижодига хос услуб саналади. У Тошкент-Фарғона кандакорлик мактаби анъаналарини авлоддан авлодга етказиб, санъатининг нозик қирраларини ўғил ва шогирдларига ўргатиб келмоқда.

Бухоро-Самарқанд мактаби кандакор усталари буюмларни ўртача ҳажмдаги нафис нақшлар воситасида, кўпроқ ҳаттотлик ёзувларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек, қушлар, ҳайвонлар, обидалар тасвири билан безаганлар. Ҳозирги кунда эса кандакорликда портретларни яратиш устида жадал изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда ушбу мактаб анъаналарини Д.Ҳалимов, Г.Раҳматова, У.Алиев, С.Мухсинов, Т.Қосимов каби кандакорлар давом эттирмоқда. Бу мактаб усталари ижодининг бошқа мактаблардан фарқи, бу буюмларни безашда феруза, шиша каби ярим қимматбаҳо тош ва безаклардан фойдаланишда, нақшлар заминини рангли лакларга бўяшда кўзга ташланади. Бундан ташқари, усталар буюмларни безашда «шабака» усулидан (панжарали ўйма услуб) кенг фойдаланади, нақш замини эса гуллар ва шобарг нақшлар билан безатилади.

Хоразмлик усталар ижодида мураккаб гирриҳ ва ислимий нақшли композициялар кенг тарқалган. Хоразмлик усталар усули ўзига хос бўлиб, нақшлар сатҳининг текислиги билан бошқа мактаблардан фарқланади. Нақшлар композициясида ўсимликсимон новдалар, гуллар устунлик қилади. Хоразмлик кандакор усталардан Б.Бобожонов, У.Машариповлар ушбу мактаб анъаналарини давом эттирмоқда.

Бугунги кунда ушбу мактаблар анъаналарини ривожлантириб, бойитиб, халқаро кўргазмаларда кандакорлик санъатининг нозик қирраларини намойиш этмоқдалар.

Гулираъно ОРИФЖОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси